

**XXI АСРДА БИОЛОГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА УЛАРДА
ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**



**ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ БИОЛОГИИ
В XXI ВЕКЕ И ЗНАЧЕНИЕ В НИХ
ИННОВАЦИЙ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**XXI АСРДА БИОЛОГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ
ВА УЛАРДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Биология ва уни ўқитиш методикаси кафедраси профессори Хударган
Мавлонов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган**

**Республика илмий анжумани материаллари
(2021 йил 15 апрель)**

**ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ БИОЛОГИИ В XXI ВЕКЕ И
ЗНАЧЕНИЕ В НИХ ИННОВАЦИЙ
МАТЕРИАЛЫ**

**Республиканская конференция, посвящённая к 75-летию профессора
кафедры биологии и методики её преподавания Хударгана Мавлонова
(15 апреля 2021 года)**

Жиззах-2021

УДК: 581.5 (09)

ББК: 28.58 Г

Э-59

“XXI асрда Биологиянинг ривожланиш истиқболлари ва уларда инновацияларнинг аҳамияти” мавзусидаги республика илмий анжумани материаллари

Жиззах 2021. – 498 бет.

Таҳрир хайъати:, проф. п.ф.д. Ш.С.Шарипов, таҳрир хайъати раиси б.ф.н. доц. Қодиров Ғ., таҳрир хайъати ўринбосари проф., б.ф.д. Раҳмонқулов У. доц., б.ф.д. (PhD) Азимова Д.Э. б.ф.д. (PhD). Авалбоев О.Н. б.ф.д. (PhD). Абдуллаева Н.С. б.ф.д.(PhD). Ҳамраева Н.Т. Усанов У.Н.

Тўплам редакторлари: б.ф.д.(PhD)., доц. Азимова Д.Э., б.ф.д.(PhD). Авалбоев О.Н., б.ф.д.(PhD). Ҳамраева Н.Т.

Ушбу тўплам Жиззах давлат педагогика институтида 2021 йил 15 апрелда бўлиб ўтган Республика илмий анжумани материалларидан иборат.

Уларда флора, систематика ва юксак ўсимликлар географияси, биологикхилма-хилликни ўрганиш ҳамда ноёб, йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвон турларининг муҳофазаси, ўсимликлар қоплами, ресурсларини ўрганиш, структуравий ботаника, экология, интродукция, сув ва қуруқлик ценозлари ҳайвонларни ўрганиш, паразитлар ва энтомокомплекслари шакллантирувчи, ҳаракатлартирувчи тадқиқотларнинг замонавий муаммолари бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Мақолалар тўплами илмий ҳодимлар, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахасислар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчи, талабалари ҳамда тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

Мазкур тўплам Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2021 йил 2 мартдаги 78-Ф-сонли фармойиши асосида нашрга тавсия этилган.

faktlari va hodisalarini o‘zaro bog‘lanishda, harakat, o‘zgarish va rivojlanish holatida tushunishga o‘rganadilar.

Biologik ta‘lim ko‘p jihatdan yosh avlodni estetik tarbiyalashga yordam beradi. Ajoyib manzara yosh ruhning rivojlanishiga shu qadar ulkan darajada tarbiyaviy ta‘sir ko‘rsatadiki, pedagogning ta‘siri u bilan tenglasha olmaydi. Biologiyani o‘rganishda estetik tarbiyaga barcha o‘quv tarbiya jarayonining uzviy qismi sifatida qaraladi. Ilmiy idrok qilish estetik qabul qilish va hissiyotlarni o‘z ichiga oladi.

Biologik ta‘lim insonning qalbi va aqliga ijobiy ta‘sir qilish uchun hamma imkoniyatlarga egadir. Tabiatni idrok qilish u bilan yaqinroq tanishayotgan kishiga juda katta huzur baxsh etadi. Tabiat vositalari bilan estetik tarbiya berish yosh avlodning umumiy estetik tarbiyasiga ko‘maklashadi.

Tabiatni sevish katta va murakkab tuyg‘udir. U yuksak qalb va aql doiralarini qamrab oladi va odamning ongli ma‘naviy hayotining asosiy tomonini tashkil etadi. Bu tuyg‘u ko‘p jihatdan vatanparvarlik hislariga mos keladi. Jonajon tabiatga bo‘lgan muhabbat bilan birga yosh avlodga jonajon o‘lkaga, jonajon mamlakatga qo‘yilgan mehr o‘sadi. U bevosita bolalikda, maktab yillarida tug‘iladi. Ulg‘ayish va yetuklik mehru muhabbatni his etib olishga olib keladi va uni mustahkamlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Tolipova J.O va boshqalar. Botanika o‘qitish metodikasi. 6-sinf. “O‘zbekiston” Toshkent, 2003.
2. Tolipova J.O, G‘ofurov A.T. Biologiya ta‘limi texnologiyalari. Metodik qo‘llanma “O‘qituvchi” Toshkent, 2002.
3. Yo‘ldoshev J.G‘. Zamonaviy dars. Malaka oshirish: muammolar, izlanishlar, yechimlar. A.Avloniy nomidagi XTXQTMOMI. – Toshkent, 2007.
4. G‘ofurov A.T va boshqalar. Biologiyani o‘qitishning umumiy metodikasi. (O‘quv-metodik qo‘llanma). TDPU., Toshkent – 2005.
5. G‘ofurov A.T. va boshqalar. Biologiya (Evolyusiya va ekologiya) Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari o‘quvchilari uchun darslik. – Toshkent. “Sharq”, 2003.

“БОБУРНОМА” СЮЖЕТИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР

Қозақова С.

Наманган давлат университети

Йирик насрий асарларда сюжет кўп қиррали, бир неча тармоқли бўлади. Бу ҳолатни “Бобурнома” сюжетида тегишли дея бемалол айта оламиз.

“Бобурнома” сюжети жуда мураккаб, бир неча тармоққа эга. Адабиётшунослар Ф.М.Головенченко ва М.Кўшжоновлар бадий асар сюжетида характерлар мантиги ва воқеалар мантиги бўлади дея таъкидлашган. “Бобурнома”да воқеалар мантиги етакчилик қилади. Сабаби асар саргузашт характерида. Асар воқеалари Бобурнинг тахтга чиқиш воқеаси билан бошланади: *“Тенгри таолонинг инояти ва ҳазрати он Сарвари коинотнинг шафоати билан ва чаҳорёри босафоларнинг ҳиммати бирлан сешанба куни рамазон ойининг тарих секкиз юз тўқсон тўққизда Фаргона вилоятида*

ўн икки ёшта подшоҳ бўлдум”⁸. Демак Захириддин Муҳаммад Бобур ўн икки ёшлик пайтида Фаргона тахтига ўтирган. Бу воқеа ҳижрий 899 йил рамазон ойининг бешинчи куни юз берган. Бу вақт милодий ҳисобда 1494 йил 9 июнь сешанба кунига тўғри келади. Демак, сюжет воқеаларининг бошланиш нуқтаси: жойи ва вақти муаллиф томонидан асар бошланмасида айтиб кетилмоқда. Ёш Бобурнинг ҳаёт кундалиги ва биз тадқиқ этаётган “Бобурнома” матни шундай кириш сўз билан бошланмоқда. Шундан сўнг, Фаргона вилоятининг ўрнашган жойи, чегаралари, халқи, катта шаҳарлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Яъни кейинги воқеаларнинг содир бўлиш жойи билан китобхонни батафсил таништирилади. Сўнг, 39 ёшида Аҳси қўргонида жардан йиқилиб ҳалок бўлган Умаршайх мирзо воқеаси баён қилинади. Айнан шу воқеадан Бобурнинг машаққатларга тўла ҳёти тасивири бошланади. Асар воқеалари давомида тахт можаролари, Бобурнинг Самарқанд тахтини эгаллаши, Андижондаги фитналар, Кобул ва Ҳиндистон сафарларида кечган воқеалар қаламга олинади.

Асар тарихий мазмунда бўлгани сабабли ҳаётий-тайёр сюжетлар асосида яратилган. Шу сабабли ҳам бу асар реалистик насрнинг энг етук намунаси сифатида баҳоланган. Умаршайх мирзо, Бойсунқур мирзо, Султонали мирзо, Шайбонийхон ҳаёти воқелари, шунингдек, Хуросонда Хусайн Бойқаро ўғиллари билан кечган воқеалар ёзилажак асар учун тайёр ҳаётий сюжет эди. Бобур асарни ёзиш давомида бу воқеларни бирин-кетин кўз олдидан ўтказди. Воқелар занжири шу қадар мустаҳкамки, ундаги бирон бир халқа узилса, воқелар ифодасида ноаниқлик пайдо бўлади. Шу сабабли бирон бир йил воқеаларини ҳам ташлаб кетиб бўлмайди. Мисол учун қаҳрамон Бобурнинг нима сабабдан Ҳиндистон томонга отлангани воқеларини билиш учун, унинг Фаргона ва Кобулда кечган ҳаёти воқелари билан танишиш зарур бўлади.

Асар воқеалари кетма-кет содир бўлганлиги учун хроникал сюжет дея оламиз. Асарда сюжет унсурларидан ҳисобланган экспозициянинг ўрни жуда аҳамиятли. Деярли ҳар бир воқеа олдидан муаллиф батафсил тушунтириш беради. Хусусан, Андижон, Самарқанд ва унинг атрофи, Хуросон, Кобул, Ҳиндистон мамлакатлари тасвири фикримнинг далилидир. Биргина мисол, бош қаҳрамон Бобур ўз юришлар давомида Ҳиндистон ўлкаларидан бири Чандерийда кечадиган воқелар олдидан қуйидаги тасвири келтиради: *“Чандерий бурун Мандав подшоҳларига тааллуқ экандур, Султон Носириддин ўлганидин сўнг, бир ўгли, Султон Маҳмудким, ҳоло Мандавдадур, Мандавга ва ул навоҳига мутасарриф бўлур. Яна бир ўгли Муҳаммадшоҳ отлиқ Чандерийни иликлар, Султон Искандарга илтижсо келтурур. Султон Искандар ҳам қалин чериклар йибориб, анинг ҳомийси бўлур. Султон Искандардин сўнг Султон Иброҳимнинг замонида Муҳаммадшоҳ ўлар, Аҳмадшоҳ отлиқ кичиккина ўгли қолур. Султон Иброҳим Аҳмадшоҳни чиқариб, ўз кишисини қўяр. Раана Сангаа Иброҳимнинг устига черик тортиб, Дўлпур келганда беклари мухолафат қилурлар. Ушул фурсатта Чандерий Сангаанинг илигига тушар. Мединий Рав отлиқ улуг муътабар кофирга берур. Бу фурсатта тўрт-беш минг кофир била Мединий Рав Чандерий қўргонида эди. Оройишхоннинг ошнолиги бор экандур. Оройишхон била Шайх Гуранни йибориб, июнат ва шафқат сўзлари айтилди. Чандерийнинг мубодаласига Шамсободини ваъда қилилди. Бир-икки эътиборлиқ кишиси чиқти. Билмон, эътимод қилмадим, ё қўргонига ишондим, ислоҳ иши сомон топмади.*

⁸Ўша асар. 34-б.

Чандерий қўргонига зўрламоқ азимати била сешанба сабоҳи, жумодиул аввал ойининг олтисида Баҳжатхоннинг ҳавзидин кўчуб, қўргоннинг яқинидаги ўрта ҳавзнинг ёқасида тушулди”⁹. Бу батафсил лавҳани ўқигандан сўнг, китобон кўз ўнгида Чандерий тоғлари бағридаги Чандерий қўргони ва бу қўргонни эгаллаш ниятида ҳаракат қилаётган Бобур сиймоси гавдаланади.

Биламизки, бадий асар сюжетида тугун алоҳида аҳамиятга эга. Тугун ўқувчини асарнинг ичкарасига етаклайди. “Бобурнома” воқеалар шу даражада жадалки, буни асардаги тугунлар сонининг кўплиги билан изоҳлаш мумкин. Сабаби бош қаҳрамон, яъни ҳикояси қаҳрамон ҳаёти ҳамиша алгов-далговларга тўла бўлган. Асардаги биринчи тугун Умаршайх мирзонинг ўлими. Айнан шу воқеа туфайли асарга Бобур шахси кириб келади. Унинг алгов-далговларга тўла ҳаёти айнан шу воқеа сабаб бошланади. Унинг ҳукмдорлик фаолияти билан боғлиқ ҳодисалардан воқеалар ривожланиб боради. Дастлаб, Самарқандга интилиш, шу интилиш сабаб Андижондан айрилиш, сўнг ҳар икки юртдан ҳам маҳрум бўлиб, Кобул, Ҳинд мамлакатларига юз буриш булар воқеалар занжирининг асосини ташкил қилади.

Асар воқеаларини кузатиш жараёнида бир нечта кулминацион нуқталарни кўриш мумкин. Хусусан, Бобурнинг ўлимдан қолиш лавҳаси. Бу жуда кўп бор юз беради. Дастлаб, Самарқандда 100 кун подшоҳлик қилган пайтлари бир ўлимдан қолган бўлса, сўнгра сарсон саргардонликда юрган кезлари ана шундай ҳолат кузатилади. Шунингдек, юртдан ажаралиб сарсон саргардонликда юрган Бобур ҳаёти ҳижрий 908, милодий 1502-1503 йилларда ҳам ана шундай воқеа юз беради. Танбал кўшинларидан енгилган Бобур ҳаёти ҳавф остида қолади. Бобур оз одам билан чекинишга мажбур бўлади. Улар Санг сувининг юқорисига етганларида фақат саккиз киши қоладилар. Охири Бобур бир ўзи қолади. Шу пайт унга икки душман яқинлашади. Булар: Бобо Сайромий ва Банда Али бўладилар. Бобур тоғ томонга қараб бораверади. Шунда улар: *“Мундоқ этиб қаён борасиз? Жаҳонгир Мирзони тутиб келтирдилар. Носир Мирзо ҳам уларнинг қўлига тушган”* дейдилар. Бобур жавоб бермай тоғ сари бораверади. Охири кеч бўлади. Бобур тоққа етиб бир тош ортига ўтади. Улар орқадан етиб келишиб, онг ичишиб Султон Аҳмадхон Бобурни подшоҳ қилишини айтишади. Охири ҳар учаласи туни билан йўл босиб Ғаво йўлига борадилар. Йўлдан адашадилар. Эртаси кун бир яйловда отларни ўтлатиб турганларида Ғавонинг бошлиги Қодирберди кўринади. Уни бирор нарса келтирмак учун кишлокқа юборадилар. Аммо у қайтмайди. Булар Карнон яқинидаги хилват боғларга бориб беркинадилар. Шунда шайх Боязидбекнинг одами Бобурни йўқлаб келади. Уни Танбал ҳузурига элтмокчи бўлади. Бобур ўлимга рози бўлиб турганда тўсатдан ўнбеш-йигирма отлик кириб келалар. Улар Бобурнинг садоқатли одамлари Қутлуқ Муҳаммад Барлос ва Бобойи Паргарий ва уларнинг йигитлари бўлади. Бу сафар ҳам қаҳрамонимиз бир ўлимдан қолади. Ҳикоячи қаҳрамон тилидан айтиб берилган бу воқеа ҳар қандай ўқувчини зўр ҳаяжонга солади. Энди буёғи нима бўларкин, дея ўйлантиради. Воқеалар занжиридаги бу воқеа Бобурнинг Кобул томонларга бош олиб кетишига сабаб бўлади.

Энг асосий кулминация Малика Байда томонидан Бобурнинг заҳарланиш воқеасидир.

Сюжет воқеалари асосан, Андижон, Самарқанд, Тошкент, Хуросон, Кобул ва Ҳиндистонда бўлиб ўтади.

⁹ Ўша асар. 234-б.

Асарда портрет ва пейзажнинг ўрни ниҳоятда катта. Бу асарнинг бадиийлигини таминлайдиган жиҳатлардандир. “Бобурнома”да 6 образнинг мукамал портрети берилади. Булар:

1. Умаршайх мирзо.
2. Султон Аҳмад мирзо.
3. Султон Маҳмуд мирзо.
4. Хисравшоҳ.
5. Бойсунқур мирзо
6. Ҳусайн Бойқаро.

Шунингдек, деярли ҳар бир образга йўл-йўлакай бўлса-да чизги бериб кетилади. Хусусан, Ҳиндистондаги Меват вилояти ҳокими шундай таърифланади: “*Меватта худ Ҳасанхон Меватий эди. Бу шару шўрни бошлагон тамом ушул мулҳид мардак эди*”¹⁰. Ушбу биргина жумлада, Ҳасанхон Меватий Бобурнинг душманларидан эканлиги англашилади. Сабаби, унга “шару шўрни бошлаган”, “мулҳид мардак” жумлалари орқали таъриф бериларди. Асарнинг кейинги воқеалари давомида ўз сўзида турмаган бу ҳоким шахсияти Бобур томонидан бир неча бор тилга олинади: “*Ҳасанхон Меватийнинг Ноҳирхон отлиқ ўғли Иброҳимнинг урушида иликка тушуб эди, гаравга сахлаб эдук. Бу жиҳаттин отаси Ҳасанхон зоҳирда омаду рафте қилур эди. Ўғлини доим тилар эди. Баъзининг хотирига еттиким, Ҳасанхоннинг истимоласи жиҳатидин ўғлини йиборилса кўпрак мустамол бўлуб, хизматкорликни яхшироқ бажой келтургай. Ҳасанхоннинг ўғли Ноҳирхонга хилъат кийдуруб, отасига ваъдалар қилиб рухсат берилди. Бу мунофиқ мардак худ ўғлининг рухсатига маътал экандур. Ўғлининг рухсатини хабар топқач, ўғли етмасдин бурун-ўқ, Алвардин чикиб келиб, Раана Сангаага Тўдада келиб кўшулди. Анинг ўғлини мундоқ маҳалда рухсат бермоқ беҳисоб экандур*”¹¹. Бу тасвирдан англашилади, Ҳасанхон Меватий яхшиликни кадрига етмайдиган ва сўзида туролмайдиган кишилар тоифасидан. Ўғли асирликдан озод этилгач у яна Бобурнинг душманлари тарафига ўтиб олади. Меват вилояти тасвирида ҳам Ҳасанхон Меватий ҳақида фикрлар билдирилади: “*Меват вилояте воқиъ бўлубтур, Деҳлининг ёвуғида, тақрибан уч-тўрт карўрча жамъи бор. Ҳасанхон Меватий ота-отасидан бери юз-икки юз йилга яқин Меватта истиқлол била ҳукумат қила келибтурлар. Деҳли салотинига (326 а) нимқора итоате қилурлар экондур. Ҳинд салотини вилоятлари кенлигидин ё фурсатларининг торлигидин, ё Меват вилояти кўҳистон жиҳатидин эврушмай, ва вилоятнинг забтининг пайига тушмай, ушмунча итоат била аларга-ўқ мусаллам тутубтурлар. Биз ҳам Ҳинд фатҳидин сўнг салотини собиқ дастури била Ҳасанхонга риоятни маръий тутук. Бу ҳақношунос кофирваши, мулҳид бизнинг лутф ва иноятимизни кўзга илмай, тарбият ва риоятимизни шукрин қилмай, барча фитналарга ул муҳрик ва жамъи ёмонлиқларга ул боис эди, нечукким, мазкур бўлди*”¹². Бу тасвирлардан ҳам кўриниб турибдики, Бобур Ҳасанхон Меватий шахсияти ҳақида яхши фикрда эмас. Буни Бобур тилидан “ҳақношунос кофирваши, мулҳид”, “муҳрик” дея берилган таърифлардан ҳам билса бўлади.

Асарда Султон Маҳмуд мирзо ҳақида маълумот берилаётиб, унинг амирлари ҳам санаб ўтилади. Хусусан Хисравшоҳнинг укаси Вали образига ҳам атрофлича

¹⁰ Ўша асар. 213-б.

¹¹ Ўша асар. 218-б.

¹² Ўша асар. 230-б.

тўхталинади. Дастлаб, Валининг Хисравшоҳнинг иниси эканлиги хақида хабар берилади: “*Яна бир Вали эди. Хисравшоҳнинг туққон иниси эди*”¹³. Сўнг унинг ҳарбий ва бошқарувчилик иқтидорига баҳо беради: “*Навқарини яхши саҳлар эди*”¹⁴. Кейинги тасвирда Валининг акасидан ҳам ўтиб кетган маккор ва риёкор эканлиги хақида хабар қилинади: “*Султон Масъуд мирзонинг кўзига мил тортмоғига ва Бойсунқур мирзонинг ўлтурмакига боис ул эди. Жамиъ элни зийбат қилур эди. Бадзабон ва фахшгўй ва худписанд ва тийрамағз мардак эди. Ўзидан ўзга ҳеч кишини ҳеч ишта тисанд тутмас эди*”¹⁵. Бобур томонидан берилган “бадзабон ва фахшгўй ва худписанд ва тийрамағз мардак” таърифи унинг кейинги ишлари тўғрисида ҳам кишида тасаввур уйғотади: “*Қундуз вилоятининг келганда ва Душий навоҳисиди Хисравшоҳни навқар, савдаридин айириб, рухсат берган фурсатта ул доғи ўзбакнинг қўрқунчидин Андароб ва Серобка келиб эди. Ул навоҳидаги аймоқларни босиб талаб, бизни деб Қобулга келдилар. Вали Муҳаммад Шайбонийхон қошига борди*”¹⁶. Хуллас, шундай ахлоқ ва тарбияга эга бўлган бундай кишини Шайбонийхон нима ҳам қиларди? Шайбонийхон унинг алдову фитналарига учмайди, Самарқанд шаҳрида қатл эттиради. Юқорида берилган таърифлардан унинг биргина ижобий хислати борлиги англашилади. У ҳам бўлса, лашкарни яши сақлаши. Бу унга жангларда қўл келган бўлиши мумкин. Лекин инсоний фазилятлари нуқсонли бўлганлиги сабабли ҳам, Шайбонийхондек ганим ҳам уни ўзига дўст деб билмайди. Ёмоннинг жазоси ўлим бўлади.

Асар воқеалари давомида ҳам бошқа образларга чизги ва характеристика бериб ўтилади. Хусусан, Султон Али мирзо, Зухрабегим, Диловархон, Қосимбек қабилар.

Адабиётшуносликда пейзаж хусусида турли қарашлар мавжуд. Кўпчилигида, асосан, пейзаж табиат тасвири экани таъкидланади. Шунингдек, баъзи олимлар пейзажни сюжет элементи деб қараса, айрим гуруҳ олимлар эса композиция таркиби сифатида эътироф этишади. Баъзи қарашларда пейзажнинг таркибий қисми сифатида интеръер ҳам санаб кетилган.

Пейзаж қахрамоннинг руҳий ҳолатини ифодалашда фон вазифасини бажариши, параллелизм ёки контрастга хизмат қилиши мумкин. Бадиий асарда табиат тасвири пейзаж, деб аталади. Табиат тасвири сюжетнинг таркибий қисмларидан бўлиб, асарнинг гоаявий, эстетик қувватини оширади¹⁷. Кўпгина асарларда пейзаж гоаявда муҳим гоаявий композицион роль ўйнайди. Ёзувчи табиат лавҳаларини чизиш билан ўзининг табиатга муносабатини ифодалайди. Бу таърифлардан кўринадики, бу борадаги фикрлар турлича. Умуман олганда, пейзаж гоҳ сюжет содир бўлган фаслни билдиради, гоҳ қахрамонлар психологиясини очишда унинг ички зиддиятини кўрсатишда муҳим ўринга эга.

Бобур асар воқеалари бўлиб ўтаётган жой манзараларини ҳам моҳир рассомлардек тасвирлайди. Шунингдек, айрим жой номларининг келиб чиқиш этимологиясини ҳам айтиб ўтади. Хусусан, “Хўжанд била Кандибодом орасида бир даште тушубтур, Ходарвешга мавсумдур. Ҳамиша бу даштта ел бордур.

¹³ Ўша асар. 50-б.

¹⁴ Ўша асар. 50-б.

¹⁵ Ўша асар. 50-б.

¹⁶ Ўша асар. 50-б.

¹⁷ Иззат Султон. Адабиёт Назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1986. 188-бет.

Маргинонгаким, шаркидур, ҳамиша мундин ел борур. Хўжандгаким, гарбидур, дойим мундин ел келур: тунд еллари бор.

Дерларким, бир неча дарвеш бу бодияда тунд елга йўлукуб, бир-бирини тополмай “*Ҳо дарвеш*”, “*Ҳо дарвеш*” дея-дея тамом ҳалок бўлурлар, андин бери бу бодияни *Ҳодарвеш дерлар*¹⁸.

Кўринади, Бобур жой номини тасвирлаш билан биргаликда, у жой ҳақида, яъни жой номининг келиб чиқиши ва хосияти ҳақида ҳам тушунтириш бериб ўтади.

Демак, асарнинг сюжет структураси бошқа тарихий мазмундаги асарлардан тубдан фарқ қилиб, ўзига хос қурилиш ва мантиққа эга. Бу сюжет элементларининг жойлашуви ва сюжет воқеаларининг берилишида ҳам кўзга ташланади.

Хуллас, асар сюжети ва сюжетни ташкил қилган воқеалар китобхон кўз ўнгида салкам қирқ йиллик тарихни жонлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаева М. “Бобурнома” ва “Шажараи турк”нинг қиёсий поэтикаси. -Т., 2002. -Б.68
2. Болтабоев Ҳ. Мумтоз сўз кадри. –Т.: Адолат, 2004
3. Захриддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”, Т.: “Шарк” НМАК, 2002.
4. Ибрагимова О. "Бобурнома"даги унвон ва мансаб номлари : (Илм. Ахборот) // Ўзбек тили ва адабиёти. 2008. №4. 105-107-б.
5. Ёқубов. И. Структурал поэтика имкониятлари. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2006,

KATTA YOSHDAGI TARBIYALANUVCHILARGA YIL FASLLARI HAQIDA TUSHUNCHA BERISH.

**Almatov J.M., Jumaboeva D. B.
Jizzax davlat pedagogika instituti**

Yuqorida aytib o‘tilganidek tabiat bilan o‘z atrofidagi jonli va jonsiz narsalarning o‘zaro munosabatlarini bilishga qiziqish bolalarda faol rivojlanadi.

Jonli va jonsiz tabiatdagi o‘zgarishlarni kuzatish bolalarni atrof tabiat bilan tanishtirishning asosiy usullaridan biri hisoblanadi. Bu usulning yaxshi samara berishi uchun tarbiyachi bolalarning barcha sezgilarni ishga solishi kerak. Ularning fikrlash faolligini oshirish uchun bolalarga savollarga javob berishni, farqlash, taqqoslash, xulosalar chiqarishni o‘rgatish lozim bo‘ladi.

Tabiatdagi o‘zgarishlar haqida olingan bilimlarni mustahkamlash uchun har kuni xonaning ob-havo kalendarini to‘ldirib borish zarur. Uni oylar bo‘yicha yuritish ma‘qul. Kalendar da rasmlar va kartochkalar uchun maxsus cho‘ntakchalar bo‘lishi kerak.

Kartochka oy davomida to‘ldirib boriladi va har bir kun uchun ob-havoni ifodalaydigan shartli belgilar qo‘yiladigan xonachalar ajratiladi. Ushbu kalendar bilan ishlash jarayonida bolalar haftaning kunlari bilan tanishadilar. Kuzatishlar natijalari oying oxirida kartochkaning tagida shartli belgilar bilan qayd etiladi. Ya’ni:

- quyoshli ()

¹⁸ Ўша асар. 36-б.

	ШАКЛЛАНТИРИШ.....	137
50	Karimov U.U., Karimova G.Yi. THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN ACHIEVING EDUCATIONAL EFFECTIVENESS.....	139
51	Sulliyeva S.X., Zokirov Q.G'. BIOLOGIK TA'LIM JARAYONINING YAXLITLILIGI, O'QITISH PRINSIPLARI VA QONUNIYATLARI.....	143
52	Норматова Д.Э. ИННОВАЦИИ В ОБРАЗОВАНИИ: РОЛЬ ИНФОРМАЦИОННОЙ КУЛЬТУРЫ.....	146
53	Салимова Ҳ.Х., Толибова Г.Ҳ. ТУПРОҚШУНОСЛИК ФАНИДАН “ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.....	150
54	Mavlonova S.X., Maxammadiyev D.M., Aberqulov E.A., Xolmo'minova Ch.I. TABIATSHUNOSLIK DARSLARINING MAZMUNI VA ULARNI O'QITISHNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH USULLARI.....	156
55	Мирзоева М.А., Ҳайитбоева М.Б. СОВРЕМЕННЫЕ ТРЕБОВАНИЯ К ПРОФЕССИОНАЛУ.....	159
56	Qarshiboyeva N.H., Xolmirzayeva A.A. BOTANIKA DARSIDA QOQIO`TDOSHLAR (ASTERACEAE) OILASIGA MANSUB DORIVOR O`SIMLIKLARNI O`QITISHDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH.....	163
57	Sulliyeva S.X., Zokirov Q.G'. BIOLOGIK TA'LIMNING ROLI.....	167
58	Қозақова С. “БОБУРНОМА” СЮЖЕТИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР.....	171
59	Almamatov J.M., Jumaboeva D.B. KATTA YOSHDAGI TARBIYALANUVCHILARGA YIL FASLLARI HAQIDA TUSHUNCHA BERISH.....	176
60	Tojiboyev Sh.J., Sheraliyev O.X. O`SIMLIKLARDAN IBRAT OLING.....	180
61	С.М. Назарова, И.Р. Баракаев, М.Р. Халилова. “ТУПРОҚНИНГ АГРОФИЗИКАВИЙ ХОССАЛАРИ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ.....	185
62	M.U. Eshonqulova, N. Namraqulova. MUTAXASSISLIK FANLARINI O'QITISH SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA INNOVATSOIN TA'LIM TEXNOLOGIYALARINING O'RNI.....	190
63	Р. Уразова. ВЛИЯНИЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРЕПОДАВАНИИ ПРИРОДОВЕДЕНИЯ В НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЕ.....	192
	3-SHO'BA. BIOXILMAXILLIK, O'SIMLIK VA HAYVONOT GENOFONDINI SAQLASH VA ULARDAN SAMARALI FOYDALANISH	
64	Ғ.Ў.Қодиров, Д.Э. Азимова, МОЛГУЗАР ТИЗМАСИ ФЛОРАСИНИНГ И.Г. СЕРЕБРЯКОВ (1962) ТАСНИФИ БЎЙИЧА ҲАЁТИЙ ШАКЛЛАРИ.....	195
65	J. To'lishev. TOLALI ZIG'IRNING BIOLOGIYASI.....	197
66	D.E. Azimova, M.X. Sharipova, M.S. Sayfiddinov. O'ZBEKISTON QO'RIQXONALARIDA TARQALGAN ROSACEAE OILASINING TURKUM TURLARI.....	199
67	L.S. Ortiqova, E.A. Aberqulov, K. Abroroba. EFEMER VA EFEMEROID	